



## ИҚТИСОДИЁТНИ ГЛОБАЛЛАШУВИ ШАРОИТИДА КАМБАҒАЛЛИК МУАММОСИНИ КАМАЙТИРИШНИНГ ҲУДУДИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Хайиталиев Отабек  
Бекмирзаев Мирзохид

*Наманган муҳандислик-технология институти*

**Аннотация:** *Мазкур мақолада камбағаллик муаммоси, камбағаллик тушунчасининг мазмун-моҳияти, камбағаллик даражалари, камбағаллик муаммосини камайтириш борасида амалга оширилаётган амалий ишлар натижалари, камбағаллик муаммосини камайтиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида баён қилинган.*

**Калит сўзлар:** *аҳоли, ижтимоий сиёсат, ижтимоий ҳимоя, камбағаллик, мулк, тадбиркорлик.*

Мамлакатимизда сўнгги йилларда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида “инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” тамойили асосида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Аҳоли фаровонлигини ошириш, айниқса қишлоқ жойларидаги аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг кам таъминланган қатламини моддий қўллаб-қувватлаш кабилар давлат сиёсатининг доимий диққат марказида бўлмоқда.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасидаги ишларни самарали амалга ошириш мақсадида Республикаимизда “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, томорқа хўжалиги ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. “Саҳоват ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида ҳам бир қатор муҳтож оилаларга кўмак берилмоқда.

Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир.

Бу борада бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида 300 минг аҳолини жамоат ишларига жалб қилиш, 265 минг нафарини ишга жойлаштириш, жумладан вазирлик жамғармаси ҳисобидан шахсий томорқаларга 36 миллиард сўм субсидия ажратиш орқали 18 минг камбағал аҳолини бандлигини таъминлаш имконияти борлиги кўрсатиб ўтилди. Президентимиз топшириғига кўра, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредитлар ажратиш соддалаштирилди. Ушбу маблағларни



самарадорлиги юқори ва кафолатланган иш ўринлари яратадиган кичик ишлаб чиқариш лойиҳаларига йўналтириш муҳимлиги таъкидланди.

Қишлоқ хўжалигида ҳам камбағалликни камайтириш бўйича имкониятлар талайгина. Ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экинлар экиш, чорвачиликда насли эчкичилик, паррандачилик, асаларичилик, қуёнчилик каби соҳаларни ҳам ривожлантириш кўзда тутилган. Булардан ташқари ҳам аграр соҳада ишлатилмаётган резервлар етарли.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда камбағалликни камайтириш борасида улкан имкониятлар мавжуд бўлиб, қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Наманган вилоятида ҳам амалга оширилаётган бир қатор ижобий ишларни кўриш мумкин. Айниқса, Президентимизнинг Наманган вилоятига ташрифи давомида кўздан кечирган Поп туманида барпо этилган “Нуран уз” мева-сабзавотчилик кластери фаолияти, Учқўрғон тумани Норин дарёси бўйида жойлашган ноёб балиқ турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган “DB Group Eco” корхонаси, Чортоқ тумани Баландадир ҳудудида иссиқхоналар мажмуасининг барпо этилиши кабилар диққатга сазовордир. Мазкур тармоқ ва корхоналарнинг ишга туширилиши янги иш ўринларини яратилишига ҳамда аҳолининг даромад манбаига айланмоқда.

Бундан ташқари, вилоятда ҳудудларнинг имкониятларидан келиб чиқиб, чорвачиликнинг паррандачилик, асаларичилик, қўйчилик, эчкичилик, қорамолчилик, қуёнчилик, туячилик тармоқларининг кенгайтирилиши, ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланган ҳолда иссиқхоналарнинг ташкил қилиниши ҳамда томорқа хўжаликларининг ривожлантирилиши, шунингдек вилоятимизда етиштирилган ўрик, гилос, шафтоли, олма ва бошқа сарҳил тотли меваларнинг Россия, БАА, Афғонистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби хорижий давлатларга экспорт қилиниши камбағалликни бартараф этиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасидир.

Хўш, камбағалликни камайтиришнинг асосий йўналишлари қайсилар, камбағалликни қисқартиришнинг илмий-амалий асослари нималардан иборат?

Аксарият ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш камбағалликни камайтиришда энг муҳим омил ҳисобланади. Юртимизда ҳам юқоридаги тажрибадан келиб чиқиб, аҳолини тадбиркорликка ўргатиш, касбий малакасини ошириш орқали камбағалликни камайтириш энг асосий масала сифатида белгиланди. Бу борада тадбиркорлик яхши ривожланган ва аҳоли зич жойлашган ҳудудлар атрофида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ва бўш турган ер майдонларида кичик саноат зоналари ташкил этиш таклифи ғоят катта аҳамиятга эга. Бу зоналарда зарур инфратузилма яратиш учун бюджетдан катта маблағлар ажратилиши белгиланди.



Камбағаллик билан курашишда ишсизлик, касаллик ва кексалик каби турли хилдаги ижтимоий хавф-хатарлардан ижтимоий суғурта қилишни кенг кўламда ривожлантиришнинг бошланиши, камбағалликни бартараф этишдаги ижтимоий инновация бўлиб хизмат қилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, камбағалликни камайтиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш ўринлидир:

- Биринчи навбатда аҳолининг молиявий-тадбиркорлик саводхонлигини ошириш, иқтисодий билим ва кўникмаларини янада кенгайтириш, аҳолини кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг жалб қилиш, эркин рақобат муҳитини яратиш, хусусий мулкчиликни ҳимоя қилиш;

- аҳоли бандлигини таъминлаш йўналишида доимий иш ўрнини қайта тиклаш, янги доимий ва мавсумий иш ўринларини яратиш;

- давлат гранти ҳисобига таҳсил олган талабаларни 3 йил муддатга камбағаллик даражаси юқори бўлган ҳудудларга меҳнат фаолияти учун йўналтириш тизимини татбиқ этиш;

- банк тизимидаги ислохотларни жадаллаштириш йўналишида давлат улушига эга бўлган банкларда трансформация жараёнларини изчиллик билан амалга ошириш ва анти-инфляцион сиёсат билан уйғунлашган фоиз ставкаларини тушириш бўйича аниқ механизмни жорий этиш;

- саноат тармоқларида кооперацияни ривожлантириш ва тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқариш яхлит занжирини яратиш;

- экспорт салоҳиятини ошириш ва валюта тушумларини таъминлаш, бу борада экспортёр корхоналарга кўмаклашиш фаолиятини жадаллаштириш ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, белгиланган устувор йўналишлар бўйича комплекс чора-тадбирларни сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши натижасида, жаҳон иқтисодиётида глобал инқирознинг тобора чуқурлашиб бориши шароитида миллий иқтисодиётимизни жорий йил яқунлари бўйича барқарор ўсишини таъминланишига ва кейинги йилларда ҳам иқтисодий ўсиш суръатларини янада жадаллашиб боришига замин яратилади. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизда камбағалликни камайтириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни ҳам қамраб олади.

#### USED LITERATURE:

1. Adashalievich, B. M. (2019). Socioeconomic importance of sustainable farming development. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 9(7), 76-82.

2. Бекмирзаев, М. А., & Иномов, Ж. Г. (2016). Развитие сельского хозяйства в Республике Узбекистан и результаты его реформирования. In *СОВРЕМЕННОЕ ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ ПРИРОДНОЙ СРЕДЫ И НАУЧНО-*



ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РАЦИОНАЛЬНОГО ПРИРОДОПОЛЬЗОВАНИЯ (pp. 3615-3618).

3. Mahkamov, I., Bekmirzayev, M., & Madaminjonov, O. (2019). PRODUCTION OF FOOD AND VEGETABLE PRODUCTS AND DEVELOPMENT OF RECYCLING. *Central Asian Problems of Modern Science and Education*, 3(4), 123-128.

4. Maxkamov, I., Bekmirzayev, M., & Madaminjonov, O. (2019). Prospects for the development of growing and processing of fruit and vegetable products. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(1), 92-97.

5. Бекмирзаев, М. А., & Иномов, Ж. Г. (2016). ОБЕСПЕЧЕНИЕ РЕСУРСАМИ АГРОПРОМЫШЛЕННОГО КОМПЛЕКСА В УСЛОВИЯХ МОДЕРНИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ. In *ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ МОЛОДЫХ УЧЁНЫХ АГРАРИЕВ* (pp. 1115-1118).

6. М. Бекмирзаев. (2022). Тадбиркорликни ривожлантириш асосида камбағаллик даражасини камайтириш йўналишлари. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/2105>

7. Бекмирзаев, М. А. (2022). ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/2207>

8. Бекмирзаев М. (2022). НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА АГРОБИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ПРОГНОЗИ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1142>

9. Adashaliyevich, V. M. (2022). Specific Features of Innovative Development of Private Entrepreneurship in the Context of Digitalization of the Economy. *European Scholar Journal*, 3(2), 88-93.

10. Adashaliyevich, V. M., & O'g'li, I. M. (2022). Promoting sustainable development of small business. *Asian Journal of Research in Business Economics and Management*, 12(4), 5-9.

11. Бекмирзаев, М. А., & Холиков, Ж. Т. У. (2022). ВАЖНОСТЬ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН. In *Colloquium-journal* (No. 4 (127), pp. 18-21). Голопристанський міськрайонний центр зайнятості.

12. Бекмирзаев, М. А. (2021). Перспективы устойчивого экономического развития субъектов агробизнеса. *Научно образовательный электронный журнал "Образование и наука в XXI веке". ООО "Моя профессиональная карьера*, 746-754.

13. Adashaliyevich, V. M. (2021). Development of Agricultural Infrastructure and Material Logistics Support of Farms. *Journal of Economics, Finance and Management Studies*, 1762-1766.



14. Bekmirzayev M.A. Factors of Sustainable Economic Development of Agricultural Businesses // International Journal of Advanced Science and Technology. pp. 46-52. [www.sersc.org/journals/index.php/IJAST/article/view/19947](http://www.sersc.org/journals/index.php/IJAST/article/view/19947)
15. Bekmirzayev, M. A. (1788). Ensuring stability of agriculture based on the development of the farm economy of the republic of Uzbekistan. *Indo-Asian Journal of Multidisciplinary Research (IAJMR)*. pg, 1793.
16. BEKMIRZAYEV, M. Distinctive features of sustainable farming development. In *ORGANIZED BY GLOBAL RESEARCH NETWORK" LLC AND IDEAS LAB//International conference on sustainable development and economics*. pg (pp. 154-158).
17. Бекмирзаев, М., Иномов, Ж., & Таджиев, А. (2017). Реформирование сельского хозяйства в Республике Узбекистан.
18. Бекмирзаев, М. (2012, July). Проблемы стабильного развития фермерских хозяйств в Узбекистане и пути их решения. In *Десятые Ознобишинские чтения: Сборник материалов Международной научно-практической конференции, Российская Федерация, Изна-Самара: ПГСПА* (pp. 4-5).
19. Бекмирзаев, М. А. (2022, June). ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ БАҲҚАРОП РИВОЖЛАНИШИДА ИННОВАЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. In *Conference Zone* (pp. 158-162).
20. Adashaliyevich, B. M. The econometric analysis and forecast of factors of sustainable economic development of agribusiness entities. *International Journal of Trend in Scientific Research and Development (IJTSRD) Volume, 6*, 351-357.
21. Бекмирзаев, М. А. Этапы устойчивого развития фермерских хозяйств. *Zamonaviy ta'lim tizimini rivojlantirish va unga qaratilgan kreativ g'oyalar, takliflar va yechimlar" mavzusidagi*, 118-120.
22. Бекмирзаев, М. А. Анасов Абдурауф Аъзамхон угли, Юлчибаев Бекмурод Дилшодбек угли. In *Фактор устойчивого развития сельского хозяйства. Международная научно-практическая конференция «Инновационные подходы в современной науке»*. РУДН (Vol. 4, pp. 64-69).
23. Adashaliyeva, M. ., Bekmirzayev, . M. ., & Bekmirzayeva, O. (2022). TRAINING OF QUALIFIED SPECIALISTS IS A CHALLENGING PROBLEM. *Scientific Impulse*, 1(3), 1104–1106. Retrieved from <http://nauchniyimpuls.ru/index.php/ni/article/view/1247>
24. Adashaliyeva, M., Bekmirzayev, M., & Bekmirzayeva, O. (2022). TRAINING OF QUALIFIED SPECIALISTS IS A CHALLENGING PROBLEM. *Международный научный журнал «Научный импульс»*. № 3 (100), часть 1. Октябрь.
25. Adashaliyevich, B. M. (2022, November). MODELING AND FORECASTING SUSTAINABLE ECONOMIC DEVELOPMENT OF AGRIBUSINESS ENTITIES. In *Conference Zone* (pp. 272-283).



26. Matkarimov, K., Maḥkamov, I., & Bekmirzaev, M. (2016). Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг истиқболи. *Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журналы*, (6).
27. Matkarimov, K., Maḥkamov, I., & Bekmirzaev, M. (2016). Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг истиқболи. *Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar*, (6), 416-421.
28. Axmadjanovna, B. O. (2022, November). BOLALAR NUTQINING RIVOJLANISHIDA LOGOPEDIK O'YINLARNING AHAMIYATI. In *Conference Zone* (pp. 311-314).
29. Abduolimova, L., & Bekmirzaeva, O. (2021). Iskhokhon Tura Dzhunaidullo-Khoja oglu Ibrat and its scientific and historical heritage. *Молодой ученый*, (21), 375-378.
30. Axmadjanovna, B. O. (2022, December). PROSPECTS OF INCLUSIVE EDUCATION. In *Conference Zone* (pp. 272-277).
31. Пўлатов, М. Э., Асланова, Д. Х., Бегалов, Б. А., Пардаев, М. Қ., Гоибназаров, Б. К., Зайналов, Д. Р., ... & Алимова, М. Т. ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ.
32. Mirzoxid, B., Onaxon, B., & Mexribonu, A. (2023). USE OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN IMPROVING THE QUALITY OF EDUCATION. *Новости образования: исследование в XXI веке*, 1(6), 1013-1018.
33. Mirzoxid, B., Onaxon, B., & Mexribonu, A. USE OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN IMPROVING THE QUALITY OF EDUCATION.
34. Adashaliyevich, B. M. (2023). THEORETICAL BASIS OF AGROLOGISTIC SUPPLY.